

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-сентябрь ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 26 695,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан 1,4 %га ўсди.

2020 йилнинг январь-сентябрь яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 7 067,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,4 %га камайди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,5 %ни ташкил этди.


Ялпи ҳудудий маҳсулот

	млрд.сўм		2019 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % ҳисобида
	2019 йил	2020 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	23 520,1	26 695,9	101,4
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	22 262,7	25 799,8	101,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	1 257,4	896,1	101,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	22 262,7	25 799,8	101,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7 737,3	8 865,2	104,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	6 657,7	7 940,7	100,4
саноат	5 206,7	6 238,2	100,4
қурилиш	1 451,0	1 702,5	100,4
Хизматлар	7 867,7	8 993,9	99,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 799,9	2 050,2	99,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	1 387,6	1 540,4	102,5
бошқа хизмат тармоқлари	4 680,2	5 403,3	99,1

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариши фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариши усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 104,0 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 34,4 %), саноат – 100,4 % (24,2 %), қурилиш – 100,4 % (6,6 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 99,8 % (7,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 102,5 % (6,0 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 99,1 % (20,9 %) ни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-сентябрида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 96,6 %ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,4 %ни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 4,0 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 34,4 %ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 0,4 % пунктга ўсди ва 30,8 %ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши 2020 йилнинг январь-сентябрида 34,8 %ни ташкил этди ва 2019 йил (35,3 %) билан таққосланганда 0,5 % пунктга камайди.


Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(январь–сентябрь ҳолатига, жамига нисбатан %да)



Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯХМ таркибидаги улуши 7,9 %ни (2019 й. – 8,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,0 %ни (6,2 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 20,9 %ни (21,0 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

(январь-сентябрь, жамига нисбатан %да)




Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи ҳудудий маҳсулот аҳоли жон бошига 7 067,3 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг (6 342,7 минг сўм) мос даврига нисбатан 0,9 %га камайди. Шу билан бирга вилоятда йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллаши оқибатида ЯХМда кичик бизнес улуши 65,1 %ни ташкил қилди.

ЯҲМда кичик бизнеснинг улуши
(январь-сентябрь ойлари, жамига нисбатан %да)



2020 йилнинг январь-сентябрида ЯҲМ нинг дефлятор индекси бўйича ўсиш суръатлари



Иқтисодий фаолият турлари